O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 3 август, № 151 (5066) Сешанба


## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

# АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ



**19 йил**

***Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси ва унинг толасига талаб ниҳоятда юқори эканлигини яхши биламиз. Сабаби, серқуёш заминимизда етиштирилаётган "оқ олтин" ўзининг саноатбоплиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради: ранги, толасининг узунлиги, пишиқлиги, микронейр кўрсаткичлари ва юқори сифати билан халқаро стандартларга тўласинча мос.***



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

### Бугуннинг гапи

Бундай ютуққа мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ва ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида эришилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув бутунлай ўзгарди. Тармоқдаги ютуқлар илгаригидек рақамлар билангина эмас, балки кўриладиган соф фойда салмоғи билан баҳоланадиган бўлди. Даромаднинг юқори бўлиши эса, кўп жиҳатдан, маҳсулот сифатига, демакки, ғўза нави ва унинг парваришига боғлиқ. Шу боис селекциячи олимларимиз томонидан эрта ва ўртапишар, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, юқори сифатли тола берадиган янги навлар яратилмоқда. Бу йил ҳам асосий майдонларда ана шундай қимматли хусусиятларга эга ғўза навлари парваришланаётгани эътиборлидир.

Қолаверса, жорий йил баҳори пахтачилик учун жуда қулай келди. Кўклам об-ҳавосининг нисбатан илиқ бўлиши туфайли экин-тикин ишларига барвақт киришилди. Барча агротехника тадбирлари мос равишда 10-15 кун эрта бажарилиб, уруғ бехато ундириб олинди. Асосийси, аввалги йилларда бўлганидек, майдонларни бузиб, қайта экиш ҳолати кузатилмадики, бу пировардида экин ривожининг баравж бўлишини таъминлади.

Ғўзанинг бугунги ҳолати кўнгилдагидек. Офтобга талпинган ниҳоллар кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ўсмоқда: шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айланмоқда. Айни пайтда Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари далаларидаги ҳар туп ғўзада 7-8 та, илғор фермер хўжаликларида эса 10-12 та бўлиқ кўсак мавжуд. Табиийки, бунда давлатимиз томонидан фермерларга муносиб иш шароити яратилгани, инфратузилма тизими жадал ривожлантирилиб, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий воситалар ўз вақтида дала бошигача етказиб берилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш адабиёт ривожи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" асарларида адабиётнинг, соҳа вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва таъсирига юксак баҳо берилган. Миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди ташкил этилди. Миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароит яратиш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш, ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда интернетда кенг тарғиб этишни молиялаштириш каби масалалар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

...31 июль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйига ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш ижодкорлар йиғилди. Улар бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижод аҳли учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар.

"Дўрмон" ижод уйида биринчи босқичда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида ижодкорларнинг мароқли дам олиб, самарали ижод қилиши учун барча шароит муҳайё этилди. 58 ўринли ижод уйи капитал реконструкция қилиниб, замонавий мебель жиҳозлари, маиший буюмлар, алоқа воситалари билан таъминланди. Бу ерда кутубхона, дам олиш, стол теннис, шахмат-шашка хоналари, замонавий ошхона, бассейн барпо этилди. Ҳудудда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ҚАШҚАДАРЁ. Чироқчи туманидаги "Шарбат" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасида соатига 10 минг шиша идиш газли салқин ичимлик ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган хориж технологик линияси ишга туширилди.***

### Илғор технология шарофати

Халқ банки Чироқчи тумани бўлимининг 72 минг АҚШ доллари микдоридаги кредит маблағи эвазига Хитойдан харид қилинган ушбу технология ёрдамида газли сувдан ташқари, қандолат, колбаса, музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Ф. БОЗОРОВ.**

***САМАРҚАНД туманидаги "Гулободмебель" корхонасига Россия, Хитой ва Украинадан замонавий дастгоҳлар, жумладан, 82 минг АҚШ долларилик ёғочга ишлов бериш ускунаси келтириб ўрнатилди.***

### Гулобод мебеллари

Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошди, маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Шу йилнинг олти ойида буюртмачиларга 80 хилдан ортиқ, бир миллиард сўмлик мебель етказиб берилганлиги ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Гулобод мебелсозлари шу кунларда қишлоқ жойларида намунавий асосда қурилаётган уй-жойлар учун эшик ва ром тайёрлаб беришаётир. Самарқанд шаҳрида корхонанинг махсус савдо дўкони иш бошлагани эса унинг фаолиятини янада кенгайтиришда қўл келмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***БУХОРО. Ромитан туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 95 та корхона ва ташкилот 457 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.***

### Янги иш жойлари

Тадбир якунида 322 нафар кишига ишга йўлланма берилди. Қувонарлиси, уларнинг 210 нафари ёшлардир. Янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида туманда ўтган олти ойда 3375 киши фойдали ижтимоий меҳнат билан шуғулланиш имконига эга бўлганлиги ҳам эътиборга лойиқ.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

***Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Бунда эса, оиланинг, айниқса, маҳалланинг ўрни беқиёс.***

### Қадрият

Шу боис ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллалар мавқеини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлади.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Ватан маҳалладан бошланади" мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам шу хусусда сўз борди. Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда қайд этилганидек, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилаётган эътибор туфайли уларнинг жамиятдаги ўрни ортиб бормоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида нишонланадиган "Маҳалла куни" ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Бу йил ҳам жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўлимларида байрамни муносиб кутиб олишга пухта ҳозирлик кўрилган. Хусусан, тадбир доирасида йил давомида эълон қилинган танловлар, фестиваллар якунланади, кеча ва учрашувлар, спорт мусобақалари, миллий ўйинлар ташкил этилади. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатилади.

— "Маҳалла куни" байрам тадбирини ўтказишдан мақсад, кишиларни ҳамжиҳатликка, бирдамликка ундашдир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р. Шералиев. — Зеро, азал-азалдан мана шундай

(Давоми 2-бетда).

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

***Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлар асосида яратилган, жаҳон тажрибасида "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, миллий анъаналарга ва илғор хорижий стандартларга асосланган малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлилиги билан бугунги кунда мамлакатимизнинг ёрқин келажагини қуришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.***

### Таълим ва ислоҳот

Ушбу тизим, биринчи навбатда, юксак маънавиятли, ўзининг мустақил фикрига эга, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини яққол намоён этади.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини — халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Кўзланган бундай эзгу мақсадларни амалга оширишнинг моддий асосини таъминлашга хизмат қилган 2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида бажарилган ишлар нафақат таълим-тарбия муассасаларида зарур шарт-шароит яратганлиги, балки юртдошларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборгани, уларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлагани билан катта аҳамиятга эга.

Президентимиз ўз фаолиятининг устувор йўналиши, мақсади ҳақида тўхталиб, "Элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимизнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал", деб кўп такрорлайдилар. Айни пайтда, шуни ишонч билан айтиш муҳимки, дунёнинг исталган мамлакатида ҳам улкан бахт деб ҳисобланадиган саодат — тинчлик ва фаровонликда, ёруғ ва шинам илм масканларида замоннинг илғор билимларини ўзлаштириш, касб-ҳунарларини танлаш имконига эга бўлган фарзандларимиз тимсолида айнан шу орзу-умидлар рўёби нишонасини кўрамиз.

Негаки, ўтган давр мобайнида республикамиздаги жами 9772 та мактабнинг 8501 тасида, яъни 3 млн. 12 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадга 1,4 трлн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Умуман, мустақиллик йилларида 1559 та мактаб биноси янгидан қурилди, 8213 таси таъмирланди.

*Айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган таълим муассасалари юртимизга янгича шукуҳ, кўрк бағишлади, чин маънода маънавият, маданият масканига айланди. Бу, ўз ўрнида, ўқувчи-ёшларни қунт билан билим олишга, ўқитувчиларни ёшларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун сидқидилдан меҳнат қилишга рағбатлантирди. Ота-оналарда ўз фарзандининг келажак тақдирига масъуллик ҳиссини орттирди.*

Бу борада қилинган ишлар салмоғини яққол тасаввур этиш учун мактабларимизнинг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланишига доир қуйидаги рақамларни келтириш кифоя: мавжуд таълим муассасалари сонига нисбатан физика лаборатория хоналари сони 7149 тага, кимё лаборатория хоналари 6896 тага, биология хоналари 6896 тага, улардаги спорт заллари 4675 тага етди.

*Агар 2004 йилда республика бўйича, бор-йўғи, 1213 та умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан таъминланган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай имкониятга эга мактаблар сони 5091 тани ташкил этади.*

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасини 2010 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида"ги маълумотда маҳаллийлаштирилган экспортбоп маҳсулотлар тури умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари ва кўргазмали қуроллар эвазига ҳам ортганлиги, қолаверса, уларнинг хорижий давлатларга сотилаётганлиги мамлакатимизда соҳа учун мустаҳкам замин юзага келганлигини англатади.

Ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш тизими ҳам муваффақиятли йўлга қўйилди. Биргина охирги 5 йил давомида 314,3 млн. нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказиб берилди. *Ўқувчиларда билим олишга бўлган рағбатни кучайтириш, китобга ижобий муносабатни юзага келтириш мақсадида 1-синф ўқувчиларига ҳар йили янги дарсликлар Президент совғаси сифатида бериб борилмоқда. 2 — 4-синф дарсликлари ҳар икки йилда, 5 — 9-синф ўқув адабиётлари эса ҳар тўрт йилда мунтазам янгиланмоқда.* Уларнинг ота-оналар, ўқувчилар учун қулай бўлган ижара тизими асосида берилиши эса мамлакатимизда аҳоли ижтимоий муҳофазаси доимий устуворлик касб этиб келаётганлигининг яна бир ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

# МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси ҳам тамомила янги қиёфа касб этди. Поликлиникада етмиш нафар юқори малакали тиббиёт ходими уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларига замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида тиббий-профилактика хизмати кўрсатади.

..."Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникани фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Б. Алимов, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев, Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар ижод уйи ва поликлиникада яратилган шарт-шароитлар Президентимиз Ислом Каримовнинг ижод аҳлига қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги яна бир ифодаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда бунга жавобан юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини, мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий янгиланиш жараёнларини, бунёдкор халқимизнинг турмуш тарзи ва онгу тафаккурида юз бераётган ўзгаришларни бадиий маҳорат билан талқин ва тарғиб этиш, ёш авлодни она-Ватанга, истиқлол ғояларига садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга, халқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган янги бадиий асарлар яратиш қалам аҳлининг маънавий бурчи эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

инсоний эзгуликлар, аввало, маҳалладаги меҳр-оқибатда яққол акс этган. Бинобарин, байрам баҳона ушбу хислатларни тарғиб этиш орқали инсон шани, қадр-қиммати улуғлигига урғу берилади.

Айни пайтда 3-10 август кунлари бўлиб ўтадиган тадбирда республикамиздаги 10 мингдан зиёд маҳаллаларда "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида бир қатор кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида "Маҳаллам тарихини ўрганаман", "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи", "Энг фаол яраштириш комиссияси" сингари танловлар ғолиблари аниқланади.

Хуллас, ушбу тадбир асносида халқимизнинг эзгу ва азалий анъаналари яна бир бор намоён бўлади. "Маҳалла куни" тадбирлари юртимизда 14-15 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашари ва энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги шодиёналарига уланиб кетади.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# Қишлоқда рақамли алоқа

***Наманган вилоятининг олис ҳудудларидан бири Поп туманидаги Чодак қишлоғи аҳли рақамли электрон телефон станцияси хизматидан фойдалана бошлади.***

320 сиғимга эга "Коинот эл СГМ" русумли ушбу замонавий алоқа станциясида абонентлар учун барча қулайликлар мавжуд.

Масалан, унинг шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматидан фойдаланиб, хонадоннинг ўзидан дунёнинг исталган бурчагига қўнғироқ қилиш мумкин. Бошқа жиҳати, бундай ихчам станцияларни саноқли кунлар ичида ўрнатиб, ишга туширса бўлади. Шу боис мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган бундай министанциялар олис қишлоқлар аҳолиси учун жуда маъқул тушиб қолди. Жорий йилнинг ўтган даврида яна 15 та аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлардаги 5264 нафар киши ундан фойдалана бошлагани шундан далолат бериб турибди.

Умуман олганда, бугунги кунда вилоятда ўрнатилган шундай станциялар сони 64, унинг мижозлари сони эса 19640 тага етди.

**Қ. НАЖМИДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АВГУСТ ОЙИ — ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Деҳқонларимиз, соҳа мутахассислари **"Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой"** эканлигини яхши билишади. Бошқача айтганда, бугунга қадар тўпланган ҳосил чўғи хотиржамликка асос бўла олмайди. Мўлжалдаги "оқ олтин" хирмонининг яратилиши эса, шубҳасиз, ҳақиқий ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойида агротехника тадбирларининг ўз вақтида, сифатли уддаланишига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу жиҳатдан олганда, пахтачиликда август ойининг ўз ўрни, ушбу даврда бажариладиган юмушларнинг аҳамияти беқиёс. Айтмоқчимизки, агар ҳосилнинг чўғи юқори, сифатли ва эртанги бўлишини истаган қишлоқ меҳнаткашлари, фермерлар айни шу кунларда ғўзани агротехника талабларига изчил амал қилиб парваришласалар, унинг ривожи тезлашиб, кўсакка кўсак қўшилади. Бўлиқ кўсаклар эса бирин-кетин очилиб, лўппи-лўппи пахтага айланади. Мабодо бирор-бир тадбир кечиктириб юборилса, ҳосил тугунчалари тўкилиб, ҳосилнинг бир қисми бой берилади.

Деҳқончилик тақвимига кўра, биласиз, август — асад ойи ҳисобланади. Халқимизнинг "Асад — экинингни ясат" деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, ғўза парваришидаги муҳим агротехника тадбирлари шу пайтга тўғри келади. Шунинг учун бу ойда ҳамма фермернинг ёнида туриши, айниқса, сувчи, механизатор ва энтомолог ўз ишига масъулият билан ёндашмоғи даркор. Чунки августда бажариладиган агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни бекаму кўст адо этмасдан туриб, мўл ҳосил олиш мумкин эмас. Демак, асад ойида экинни том маънода ясатиш, яъни ишлатиш керак.

*Тажрибадан аёнки, ғўза деҳқоннинг қалб қўри, кўз нури ва меҳр-мурувватидан яшнайди, унинг кечани — кеча, кундузни — кундуз демай қилган фидокорона меҳнати туфайли ясанади, қимматбаҳо ҳосил тўплайди. Бу шундайин ҳосилки, у оқ олтин сифатида халқ фаровонлигини оширишга, иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шундай экан, ушбу масъулиятли даврда ҳосил салмоғини белгилаб берадиган ғўзани суғориш, культивациялаш ва чеканка қилиш, ҳосилни зараркунандалардан муҳофазалаш тадбирларининг маромида адо этилишига янада жиддий эътибор қаратилиши шарт.*

Мамлакатимиз деҳқонлари, айтиш мумкинки, бугунга қадар ғўза майдонларида чеканка қилиш тадбирини, асосан, якунладилар. Бунинг маъноси шуки, чеканка сифатли ва ўз муддатида бажарилганда, ғўза бўйига эмас, энига ўсади. Негаки, ғўза танасида тўпланган озуқа элементлари тупнинг ўсишига эмас, балки ҳосилнинг шаклланишига сарфланади. Натижада пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 3-4 центнергача ортади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, кўсаклар 7-8 кун эрта очилиб, пахта толасининг сифати юқори бўлиши таъминланади. Шу билан бирга, ривождан орқада қолган майдонларда ғўзани чилпиш ишлари тезликда якунланса, чилпиб олинган қисмлар дала четига чиқарилиб кўмилса, кўсак қурти тухумининг 50-70 фоизини йўқотишга эришилади.



Август ойида бажариладиган агротадбирларнинг яна бир нозик жиҳати шундаки, бу пайтга келиб, ғўза соясида бегона ўтлар кўпая бошлайди. Улар тезда юлиб ташланмаса, кунига 3-4 сантиметр ўсиб, ўсимликнинг озуқасига шерик бўлади. Шунинг учун далаларни бегона ўтлардан тозалаш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Яна тажрибали деҳқонлар ҳосил тақдири ҳал бўладиган ушбу ойда қатор оралаб юриб, ғўзаларни "варақлайдилар". Бу тадбир билан улар, аввало, даланинг қаерида аҳвол қандайлигини аниқлайдилар, иккинчидан, "варақлаш" орқали экин бағрига шабада тегдириб, ҳосил элементларининг димиқмаслигига эришган ҳолда, унинг баракасини таъминлайдилар. Шунинг учун мўл ҳосилни кўзлаган ҳар бир фермер ғўза оралашдан, уни "варақлаш"дан эринмаслиги керак.

Мавсумнинг навбатдаги энг долзарб тадбирларидан бири — бу экинни обитобида суғоришдир. Акс ҳолда, ғўза керакли миқдорда ҳосил тўпламайди. Халқимиз "Асад суви — асал суви" деб бежиз айтмаган, ахир!

Чиндан ҳам, ғўзани маромида суғоришда ҳикмат кўп. Бу тадбир, айниқса, сувни "етаклаб", тунда амалга оширилса, янада яхши самара беради. Сабаби, обиҳаёт офтоб тиғида буғланмай, исрофгарчиликнинг олди олиниши туфайли ғўза қониб сув ичади. Аммо суғоришда кўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам бўлмайди. Мабодо, ғўзага сув вақтида таралмай, чанқатиб қўйилса, у гул ташлайди. Аслида, у бепарво деҳқоннинг хатосидан "кўз ёш" тўкади. Охир-оқибатда ҳосил салмоғига путур етади. Борди-ю, кўллатиб суғорилса, ғўза бўйига зўр бериб, ғовлаб кетади.

Шуни унутмаслик керакки, асадда таралган сув — ғўза учун бамисоли қон. Айниқса, у "шарбат" усулида бажарилса, кони фойда. Негаки, ғўза қатор ораларига "шарбат" оқизилиши билан олдиндан берилган минерал ўғитларнинг ўзлаштирилиши яхшиланади, органик ўғитга бўлган талаб қондирилади. Яна бир эътиборли жиҳати, "шарбат" сувига тўйинган ғўза қатор ораларида нам узоқ сақланиб, навбатдаги сувга бўлган талаб яна 6-8 кунга узаяди. Пировардида катта миқдорда обиҳаёт иқтисод қилинади.

Ғўза парваришида культивациялашнинг аҳамияти ҳам беқиёс. Чунки ғўза, асосан, илдизидан озиқланади. Қатор ораларининг тез-тез юмшатилиши тупроқдаги ҳаво алмашинувини яхшилаб, ҳосил ривожи учун қулай микроиқлимни вужудга келтиради. Соҳа мутахассисларининг фикрича, август ойида қатор ораларини яна 1-2 марта юмшатиш зарур.

Мазкур агротадбирнинг бажарилиши жараёнида, жумладан, ҳосил шохларига асло зарар етказилмаслиги, яъни кўсакларнинг узилмаслигига эришиш лозим. Бунинг учун агрегатнинг барча ишчи қисмларини "балиқ сирти" шаклида ўраб, уни "йўрттириб" эмас, балки "одимлатиб" юргизиш талаб қилинади. Тракторнинг тезлигини шундай бошқариш керакки, у, худди ғоз сувда сузганидек, бир маромда ҳаракатлансин. Шунда ғўзанинг илдиз тизимига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожи жадаллашади ҳамда бегона ўтлар бутунлай йўқолади.

Бободеҳқонларимиз яна бир гапни такрор-такрор уқтирадилар: август ойида культивациялашни бир кун ҳам кечиктириб бўлмайди. Йўқса, жўяклар қуриб, ер ёрилади, оқибатда ғўза томирлари шикастланади. Бир томир узилдими, битта шона, битта гул, демакки, битта кўсак нобуд бўлади-да. Шу боис ғўза парваришида миробу механизатор ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур.

Маълумки, август кириши билан ҳарорат нисбатан пасайиб, тунда салқин тушади. Бу ҳосил кушандаси ҳисобланган кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига қулай шароитни юзага келтиради. Модомики, шундай экан, кўсак қурти ва ўргимчакканага қарши курашишни асло бўшаштирмаслик зарур. Йўқса, озгина эътиборсизлик машаққатли меҳнат эвазига тўпланган ҳосилнинг ўттиз фоизгача бўлган қисмини бой бериш хавфини туғдиради.

Таъкидлаш керакки, юртимизда зараркунандаларга қарши курашишда, асосан, биологик усулдан кенг фойдаланилади. Бу йил ҳам мавжуд биолабораториялар озуқа ва зарур жиҳозлар билан таъминланиб, керакли миқдорда биомаҳсулотлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Шунинг натижасида етарли даражада "Трихограмма", "Бракон" ва "Олтинкўз" етиштирилиб, далаларга чиқарилди. Бу усул экологик жиҳатдан мутлақо безарар бўлиб, айни чоғда иқтисодий тарафдан тежамли эканлиги эътиборга моликдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундан кейин ҳам ҳосил кушандаларига қарши курашишда ҳушёрликни сусайтирмаслик зарур. Ҳар икки гектар майдонга биттадан феромон тутқич ўрнатиб, назоратни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, ғўза парваришида ҳар бир агротадбир ўзаро занжир ҳосил қилиб, экин ривожини таъминлайди. Улардан биттасининг узилиши ҳосилдорлик пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараёнда мутахассислардан ҳам алоҳида масъулият, ҳал қилувчи маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиб, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Негаки, пахтачиликда ишга доимий эътибор, уюшқоқлик ва бирдамлик ўта муҳим аҳамиятга эга. Бепарволик, бефарқлик фақат зарар келтиради. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда бундай салбий ҳолатлар билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди.

*Бир сўз билан айтганда, ҳар бир фермер август ойи учун муҳим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиши зарур. Негаки,* ***"Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой"*** *экан, унинг ҳар дами ғаниматдир. Август аввалида очилган гул ҳам сентябрь бошларида лўппи пахтага айланади. Буни яхши англаган деҳқон ва фермерларимиз агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажариб, ой охиригача кўсаклар ёнига яна 3-4 тадан кўсак қўшиш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганликлари таҳсинга сазовордир.*

Зеро, кўсакларнинг меъёрида бўлиши ҳосилдорлик ортишидан, ғўзанинг баравж ривожи унинг эрта очилишидан, бегона ўтларнинг йўқлиги пахта толасининг соф ва сифатли бўлишидан далолат. Мамлакатимиз фермерларининг тунни тонгга улаб қилаётган машаққатли меҳнатлари эвазига ана шундай ижобий натижалар қўлга киритилиши кутилаяпти. Чунки шу кунларда ғўзаларнинг ривожи аввалги йиллардагига нисбатан 10-12 кунга илгарилаб кетди. Бу жорий йилда ҳам юксак "оқ олтин" хирмони яратилишидан, ўзбек пахтаси ва толасининг шуҳрати жаҳон узра янада кенгроқ ёйилишидан дарак бермоқда.

Шунинг учун ҳосил тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги долзарб, тиғиз ва масъулиятли паллада ҳар биримиз пахтакорларга мададкор бўлиб, қўлимиздан келган ёрдамимизни аямасак, "оқ олтин" хирмонимиз янада юксак бўлиши, шубҳасиз. Зотан, пахтачиликнинг ривожи иқтисодиётимизнинг юксалишига, юртимизнинг обод, турмушимизнинг янада фаровон бўлишига хизмат қилади. Буни дилдан чуқур ҳис этиб, белни маҳкам боғлаб, август ойида ҳар қачонгидан ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаш зарурлигини унутмасак, аниқки, мурод-мақсадимизга эришамиз.

**ТАҲРИРИЯТ.**

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Б**ундан ташқари, ўқувчи-ёшларни оммавий тарзда спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида, бевосита Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1123 та болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 922 таси (82 фоизи) қишлоқ жойларда барпо этилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида 674 та спорт зали қурилди. Ушбу болалар спорт мажмуаларининг барчаси тегишли спорт анжомлари ва инвентарлари билан таъминланганлиги эса, бугунги кунда уларда жами 2,22 млн. ўқувчи-ёшларнинг спортнинг 23 та тури бўйича мунтазам шуғулланишига имконият яратмоқда.

Дарҳақиқат, таълим муассасаларидаги бундай мустаҳкам моддий-техник база, зарур шарт-шароитлар ўқувчилар билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашларида муҳим рол ўйнайди. Аммо ушбу жиҳозлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишда ўқитувчи шахси омили етакчи ўрин тутишини ҳам таъкидлаш жоиз. Шуни эътиборга олган ҳолда, педагог кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг бевосита таълим-тарбия билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳам бир қатор янгиликларни жорий этиш устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқитиладиган умумтаълим фанларининг мазмунан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун тажрибали ўқитувчилар, етакчи олим, методист ва мутахассислардан иборат 31 ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳлари томонидан Давлат таълим стандартлари, уларга берилган шарҳлар, ўқув дастурлари ва дарсликлар ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ таҳлил қилинди. Натижада умумий ўрта таълим ўқув дастурларидаги жами 813 соат ҳажмдаги мавзулар оптималлаштирилди. Шундан 247 соат ҳажмдаги мавзулар умумий ўрта таълим ўқув дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, 327 соат ҳажмдаги мавзулар эса умумий ўрта таълимнинг ўзида тегишли равишда синфдан-синфга ўтказилди. Амалдаги ўқув дастурларидаги 239 соат ҳажмдаги мавзулар такрорланганлиги учун қисқартирилди. Мақбуллаштирилган соатлар ҳисобига таълим муассасаларида маънавий-маърифий, мактабдан, синфдан ташқари ишларни кенг йўлга қўйиш, мураккаб мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш ҳамда амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш режалаштирилди. Амалга оширилган мазкур ўзгаришлар жорий йилда чоп этилаётган 474 номдаги дарсликларда инобатга олинди. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган 18 та умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурлари қайта ишлаб чиқилиб, улар юзасидан методик тавсиялар ва янги тақвим-мавзу режаларининг намуналари яратилди ҳамда 2010 — 2011 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий қилиш учун таълим муассасаларига етказилди.

Бугунги кунда тараққиётнинг жадал суръатлари, жаҳон илм-фанидаги оламшумул янгиликлар ўқитувчиларимизнинг мунтазам равишда ўз билим, тажриба ва малакаларини ошириб боришини тақозо этмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда, ушбу жараённи жойларда доимий тарзда ташкил этиш мақсадида тизимдаги педагогика ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари қошидаги 168 кафедранинг 1347 нафар профессор-ўқитувчиси 529 та умумий ўрта таълим мактабига бириктирилиб, умумтаълим мактаблари билан олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик дастурлари тузилди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги томонидан жойлардаги 15 та педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида олиб бориладиган амалдаги малака ошириш тизимидан ташқари, қўшимча равишда мунтазам фаолият юритадиган "Устоз — шогирд мактаби" тизими яратилди. Унга дарсларни бугунги талаблар даражасида ташкил этишга, доимий изланиш ва янгилик яратишга қодир бўлган фан ўқитувчилари жалб этилиб, уларнинг ҳар бирига ўз мактаби ва ёндош мактаблардан шогирд-ўқитувчи бириктирилди. Бугунги кунда республикамиздаги 200 та туман, шаҳарлардаги 2241 мактабда 18 та умумтаълим фанлари бўйича 3600 нафар тажрибали устоз-ўқитувчилар 12000 нафар шогирд-ўқитувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Халқ таълими тизимида ўзига хос янгилик сифатида жорий этилаётган ушбу усул самарадорлигини таъминлаш мақсадида "Истеъдод" жамғармасида ташкил этилган "Янги педагогик технологиялар" махсус курсида Тошкент шаҳридан 205 нафар ҳамда барча ҳудудларда айнан ушбу йўналишда ўқувларни олиб борадиган 26 нафар ўқитувчи-тренер тайёрланди. Бугунги кунда мазкур ўқувлар жойларда давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг инсонпарварлиги, билим бериш баробарида, ўқувчининг маънавий оламини, ахлоқий сифатларини шакллантиришга эътибор қаратилиши ҳам унинг ўзига хослигини таъминлайди. Авваллари ўқувчига объект сифатида ёндашилган бўлса, эндиликда унга таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган субъект сифатида муносабат билдирилмоқда. Натижада ёшларда мустақил фаолият юритиш, фикрлаш ҳамда ўзини ўзи ривожлантириб бориш кўникмалари шаклланмоқда. Ўз ўрнида, уларнинг ушбу интилишларини муносиб рағбатлантириб бориш, фаоллиги даражасини холис ва энг асосийси, адолатли баҳолаш катта таъсир кучига эга.

*Шу муносабат билан вазирлик мутахассислари томонидан дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибалари ўрганилган ҳолда, ўқувчилар билимини баҳолашнинг янги, ўзига хос, самарали механизми, яъни такомиллаштирилган рейтинг тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказининг қўшма қарори билан тасдиқланди ҳамда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, амалиётга жорий этилди.*

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда таълим жараёни ҳам доимий янгиланиб ва такомиллашиб бораверади. Олдимизда турган энг устувор вазифалардан бири ҳам таълим муассасаларида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тезкор ахборот алмашиш тизимини яратиш, барча мактабларни ягона таълим порталига бирлаштириш мақсадида, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Марказ томонидан бугунги кунда замонавий электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш йўлга қўйилди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш асносида тизимдаги таълим муассасаларида жами 1150 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилди, уларнинг барчаси тегишли адабиётлар, компьютер, мультимедиа воситалари, мебеллар билан таъминланди.*

Таълим муассасалари бугунги кунда нафақат ёшларга билим бериладиган маскан, балки ўша ҳудуддаги маданият, маънавият ҳамда маърифат ўчоғи ҳам ҳисобланади. Президентимиз ташаббуслари билан фарзандларимиз истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, уларга санъат орқали миллий қадриятларимизни ўргатиш ҳамда уни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш мақсадида қабул қилинган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, 2009 йили 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаби алоҳида лойиҳа асосида капитал реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йилда 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби бинолари янгидан қурилаётган бўлса, 32 тасида капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда. 2014 йилгача Дастур доирасида жами 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий кўриниш ҳамда дизайнда барпо этилиши белгиланган. Шу орқали ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама ривожлантириш, яъни уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда педагоглар билан таъминлаш масалалари тўлиқ ҳал этилади.

Айни кунларда республикамиздаги барча халқ таълими ходимлари, таълим муассасалари энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини юксак муваффақиятлар билан нишонлаш, янги 2010/2011 ўқув йилини кўтаринки кайфиятда ҳамда ўзгача бир ғайрат билан бошлашга тайёргарлик кўришмоқда.

Бу йил жами 9772 та умумтаълим мактабида 4 681 457 нафар ўқувчи мактаб таълимини давом эттиради. Шулардан 474 900 нафарга яқин болажонларимиз таълим даргоҳининг қутлуғ остонасига илк бор қадам қўяди. Анъанага кўра, уларга оталарча меҳрибонликнинг, юксак эътиборнинг рамзи сифатида муҳтарам Президентимизнинг махсус совғалари улашилади. Баркамолликка элтувчи йўлнинг масъулиятли босқичи олдида турган болаларимизга ўзига хос бир рағбат, эзгуликка даъват бўлиб хизмат қилаётган ушбу 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат совғалар ҳамда барча дарсликлар тахт қилиб қўйилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги "2010-2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўқувчиларни сифатли ва миллий маънавиятимизга мос ўқув қуроллари, анжомлари, мактаб кийими ва пойабзали ҳамда дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш мақсадида, бевосита жойлардаги 1300 га яқин умумтаълим муассасаларида мактаб ярмаркалари ташкил этилмоқда.

**Х**улоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим-тарбия тизимини сифат ҳамда самарадорлик жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш бугунги кунда олдимизда турган энг устувор вазифамиздир. Бу йўлда давлатимизнинг юксак ишончини оқлаш учун халқ таълими тизимида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, ҳар бир устоз Ватанимиз истиқболи ва келажаги учун юксак масъулият ва фидойилик билан меҳнат қилади.

**Авазжон МАРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Кучли сув тошқинлари

***Бир неча кунлардан бери Покистонда кучли сув тошқинлари тўхтамаяпти.***



Гап шундаки, мамлакатда июль ойи охирларида тинимсиз ёққан ёмғир дарёларни ўзанидан чиқариб юборган. Оқибатда ҳудудда фавқулодда вазият вужудга келган. Айни пайтда табиий офат кўплаб вайронагарчиликларга сабаб бўлмоқда. “Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, 1400 киши сув тошқини қурбонига айланган. Бу рақам яна ўзгариши мумкин.

Маҳаллий ҳукумат қутқарув ишларини олиб бориш учун 43 та ҳарбий вертолёт ва юздан зиёд катерни сафарбар этган. Бундан ташқари, сув тошқинига қарши курашишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, АҚШ, Хитой ёрдам кўрсатишни маълум қилган.

Метеорологлар фикрича, тошқинлар Покистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этиши мумкин.

### Марсга мўлжалланган «кийим-бош»

***Австрияда илк бора Марсда юришга мўлжалланган скафандр синовдан ўтказилди.***



“Индепендент Ньюс” нашрида ёзилишича, мазкур синов Австрия космик форуми томонидан Альп тоғларида ташкил этилган. Скафандрнинг оғирлиги 45 килограмм. Мутахассислар бу либос ёрдамида “қизил сайёра”да тадқиқот ишларини олиб боришга умид билдиришаяпти.

Яқин кунларда Марсга сафар қилиниши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

### Жарима тўлайдиган бўлди

***АҚШнинг йирик банкларидан бири — “Citigroup” Биржа ва қимматбаҳо қоғозлар комиссияси (SEC)га жарима тўлайдиган бўлди.***




Маълумки, шу йилнинг май ойида “SEC” “Citigroup” ва мамлакатдаги бошқа бешта йирик молия муассасаси устидан текширув ишлари бошлаганди. Хабарларга қараганда, банк инқироз даврида ўз мижозларига активлари ҳақида ёлғон маълумотлар берган. Хусусан, 2007 йилда унинг ипотека облигациялари бўйича улуши 13 миллиард долларни ташкил этгани таъкидланган. Аслида эса, ўша пайтда бу рақам 50 миллиард доллардан зиёд бўлгани аниқланди.

### Чекишга қарши қонун

***Германиядаги Бавария федерал ерида август ойининг биринчи кунидан бошлаб жамоатчилик жойларида чекишни тақиқлашга қаратилган қонун кучга кирди.***



Эндиликда мазкур ҳудудда ушбу қоидани бузганлар Германия тарихида бу борадаги айбдорлар учун татбиқ этиладиган энг қаттиқ маъмурий жазога тортиладилар.

### Кўҳна кема қолдиқлари

***Канадалик археологлар Арктика музликларида 1853 йилда қолиб кетган кемани топишга муваффақ бўлдилар.***

“Би-Би-Си Ньюс” хабарига кўра, “Инвестигейтер” номли мазкур сув транспорти воситаси Англияга тегишли бўлган. Ўша пайтда кемага Шимол билан Ғарбни боғловчи денгиз йўлини европаликлар орасида биринчи бўлиб очган Роберт Макклур қўмондонлик қилган.

Буни қарангки, топилманинг ёғочдан ясалган асосий таркибий қисмлари яхши сақланиб қолган.

### Денгиз тубида дарё

***Қора денгиз тубида дунёдаги ягона сувости дарёси топилди. Бу ҳақда Буюк британиялик олимлар маълум қилишди.***

Дарёнинг узунлиги 68 км. бўлиб, кенглиги қарийб 926 метрга, сув оқимининг тезлиги эса соатига 7,5 км.га тенг экан. Гарчи мазкур табиий топилма у қадар катта бўлмаса-да, ундан бир сонияда 22 минг кубометр сув оқиб ўтиши киши эътиборини тортади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, агар дарё қуруқликда бўлганда эди, серсувлик бўйича дунёда олтинчи ўринда қайд этиларди.



*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш масаласига қаратилаётган юксак даражадаги эътибор амалда ўз самараларини бермоқда. Республикамиз банк тизимининг бугунги кунга келиб, қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида эътироф этилаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.***

## «Асака» банк: ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Ана шундай барқарорлик иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, аҳоли турмуши ва фаровонлигини ошириш ишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Буни «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мазкур молия муассасаси мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ таъсис этилган эди. Кейинчалик у юртимизда саноатнинг янги қудратли тармоғи — автомобилсозликни вужудга келтириш ва ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаларидан бирига айланди. Бу жараёнда ўзи ҳам ривожланиб, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклига эга мижозлари доирасини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Таъкидлаш керакки, “Асака” банкнинг жорий йил ўтган давридаги фаолияти мамлакатимизда 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ҳамда барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам юксалишини таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш, пировардида рақобатбардош, бозор талабларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган мижозларга, шунингдек, хорижий хамкорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатишга қаратилди.

Капитал ва активлари ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда етакчи банклардан бири саналган “Асака” банк ўз фаолиятининг бошиданоқ мамлакат молия хизматлари бозорида етакчи мавқега эга бўлиб, ушбу мавқени доимий сақлаб келмоқда. У юртимиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилган ҳолда, ўз олдига мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига сифатли хизмат кўрсатиш вазифасини қўйган. Бунда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” деган тамойилга қатъий амал қилинмоқда.

Мамлакатимиз молиявий қудратини ошириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган Президентимиз Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан келиб чиқиб, “Асака” банк томонидан ўз капитали, активлари ҳажмини кўпайтириш ва фаолиятининг барча жабҳаларини изчил ривожлантириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Буни мамлакат ички рейтинг компанияларининг юқори рейтинг баҳолари ҳамда

**Молия муассасаларида**

халқаро молия соҳасида нуфузли ўринга эга бўлган “Euromoney”, “The Banker”, “Global Finance” ва шу каби бошқа нашрлар томонидан тан олинганлиги ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, “Fitch Ratings”, “Moody's Investors Service Ltd” сингари етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан “Асака” банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилди. Эътиборлиси, банк республикамизда биринчилардан бўлиб бирданига иккита нуфузли халқаро рейтинг агентлигининг шундай эътирофига сазовор бўлди. Бу эса, унинг халқаро майдондаги обрўси янада ошиб бораётганлигидан далолат беради. Қолаверса, бундай ижобий натижалар мамлакатда эгаллаган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Банк ташқи ва ички бозор ўзгаришларига уйғун ҳолда, республикамиз ҳамда хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунда у, биринчи навбатда, мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қаратаётир. Улар учун қулай шароитлар банкнинг 15 йиллик фаолияти давомида самарадорлик, тўловларнинг кам харажатлилиги, қатъий ижро муддати ва воситачилик харажатларининг минимал миқдори ўрнатилиши ҳисобига яратилди.

Ҳамкорлик йўналишлари кўламини ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш орқали “Асака” банк ўз вакиллик тармоғини мунтазам равишда кенгайтириб борди. Ҳозирга келиб мазкур молия муассасаси уч юздан ортиқ етакчи хорижий банклар билан вакиллик муносабатларига эга. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австрия, Япония, Голландия, Швейцария ва Жанубий Кореянинг нуфузли банклари шулар жумласидандир. Айтиш жоиз, энг йирик хорижий банклардаги вакиллик ҳисоб-варақлари тармоғи орқали “Асака” банк дунёнинг асосий молиявий марказларида ўзининг иштирокини таъминлади.

Ҳисоб-китобларнинг сифати, тезлиги ва ишончлилигига эътибор бериб, шунингдек, бошқа банклар билан муносабатларнинг ривожланишига яқиндан ёндашган ҳолда, “Асака” банк доимий тарзда ички ва халқаро бозорларда ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Халқаро молия ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни узоқ ва қисқа муддатли молиялаштириш, савдо операцияларини қисқа муддатли молиялаштириш, банк фаолиятининг турли масалалари бўйича ахборотлар ҳамда тажриба алмашиш, касб-таълим дастурларида иштирок этиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Экспорт ва импорт операцияларини молиялаш соҳасига банк томонидан хорижий банкларнинг муайян миқдордаги кредит линиялари жалб қилинган. Жумладан, у “JP Morgan Chase”, “Bank Gesellschaft Berlin”, “Dresdner Bank”, “Commerzbank”, “CITIBANK”, “Korea Exim Bank”, “UBS AG”, “Commerzbank AG”, “Landes Bank Berlin AG”, “SMBC”, “RZB”, “CITIBANK” ва бошқа йирик банкларнинг кредит линияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Мазкур кредит линиялари ҳисобидан банк мижозлари учун мақбул шароитларда экспорт ва импорт операцияларини молиялашда кенг фойдаланилмоқда.

2010 йилнинг ўтган даврида ҳам банк жадал ривожланаётган йирик кредит муассасаси сифатида аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритди. Асосий эътиборини ўзининг молиявий қудратини янада ошириш, мижозларга халқаро андозалар талабига жавоб берадиган турли банк хизматларини таклиф этган ҳолда, юксак даражада ҳамда тезкор хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратди.

(Давоми 4-бетда).

## «NEW EUROPE» ЖУРНАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

***Бельгияда нашр этиладиган “New Europe” ҳафтаномасининг навбатдаги сонида Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.***

“Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси 2009 йилдаги иқтисодий ривожланиш натижаларини муҳокама қилишди” сарлавҳали мақолада яқинда ташкилотнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ишлаш бошқармаси директорининг ёрдамчиси Талин Коранчелян хоним бошлиқ Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи ҳақида сўз юритилади.

Муҳокамалар чоғида асосий эътибор иқтисодий сиёсатни амалга оширишда инқирозга қарши чора-тадбирларга ҳамда 2009 йилнинг иқтисодий якунлари ва 2010 йилда ривожланиш истиқболлари каби масалаларга қаратилди.

**Дунё нигоҳи**

Нашрда Халқаро валюта жамғармасининг хулосасига кўра, Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирози даврида ҳам ўзининг жадал ривожланиш суръатига барқарор бўлиб келаётгани, энг асосийси, мамлакат раҳбариятининг оқилона ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли бюджетнинг мавжуд профицит даражаси таъминлангани ва ушбу даврда иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун аҳамиятли бўлган ресурсларни излаб топиш имкониятини берганини таъкидланади.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги вазифаси мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган реал даромадни ошириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш экани қайд этилади. Шу маънода, инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратишга асосланган саноатни модернизация қилиш давлат дастури Ўзбекистонга сармоялар оқимини кенгайтиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиши айтилади.

“Ўзбекистонда микрокредитлаш ривожланмоқда” мақоласида Ўзбекистон Марказий банкининг БМТ Тараққиёт дастури, техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ва Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда микромолиялашни ривожлантиришни рағбанлантиришга йўналтирилган 3 та лойиҳани амалга ошираётгани ҳақида маълумот берилади. Марказий банк ҳузуридаги Молиявий секторни ривожлантириш агентлигининг баёнотига кўра, лойиҳалар шу йилнинг ўзида амалга тадбиқ этила бошлаган.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ кредит уюшмалари, 32 та микокредит ва 48 та ломбард ташкилотлари ўз фаолиятини юритмоқда. 2009 йилда банкга қарашли бўлмаган кредит ташкилотлари кредит портфелининг умумий қиймати 193,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Микромолия ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси ўзида 22 та кредит уюшмаси ва 21 та микрокредит ташкилотини бирлаштирган.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

***Президентимизнинг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, давлат солиқ қўмитаси тизимида Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси, жойларда эса унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди.***

## ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ушбу бошқарма бозорларда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларга қарши курашиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, даромадни яширган, солиқ тўлашдан бош тортган ёки ноқонуний моллар билан савдо қилаётган тадбиркорларни фош этиб келмоқда.

**Назорат**

— Ҳозиргача ўтказилган юздан зиёд текширувларда бир қатор қонунбузарликлар аниқланиб, салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида мусодара қилинди, — дейди бошқарманинг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи А. Ишназаров. — Бу борадаги фаолиятимизда нақд пул тушуми жараёнини ўрганиш дастури ва ушбу ҳужжат асосида олиб борилаётган мониторинглар қўл келмоқда. Жумладан, бозорлардаги бир қатор савдо шохобчаларида ўтказилган 45 та текширув чоғида нақд пулни назорат касса машиналари хотирасига киритмаслик ҳолатлари аниқланди. Айни чоғда хориждан хуфёна келтирилган ноқонуний молларни сотиш ҳисобига даромад солиғидан бўйин товлаш, нақд пулнинг бир қисмини банкка топширмаслик, сотилган мол учун чек бермаслик каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам кўзга ташланди. Жиззах шаҳридаги “Кўк бозор” савдо шохобчаси раҳбари Э. Қосимов фаолияти бунга мисол бўлади. Текширув чоғида у харидорга 5 минг сўмлик харид чекини бермади. Шу билан бирга, унинг дўконида кирим ҳужжати бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган 3,5 миллион сўмлик кийим-кечак маҳсулотлари борлиги аниқланди.

“Эски шаҳар буюм бозори”да фаолият юритиб келаётган тадбиркор А. Абдукаримов фаолияти ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Текширув чоғида унинг дўконида хорижда ишлаб чиқарилган 51 турдаги 6,3 миллион сўмлик ноқонуний мол мавжудлиги маълум бўлди. Бундай ҳолатлар Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларидаги бозор ва савдо мажмуаларида ҳам аниқланди.

Хуллас, шу йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича шу каби 85 та ҳолат аниқланиб, уларнинг барчасига нисбатан давлат солиқ инспекцияси ва судлар томонидан молиявий-маъмурий жарима чоралари қўлланилди. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида бозор ва савдо мажмуаларида содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатлари сони сезиларли даражада камайиб, савдодан тушаётган даромад салмоғи ошиб бораётир. Бошқача айтганда, назорат даромад омили бўлиб хизмат қилмоқда.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
манфаатли
«Соврин плюс капитал» ютуқли омонатини таклиф этади.
Омонатга маблағлар 1 йил муддатга йиллик 14% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.
Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.
ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

